

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ИЖОДИДАГИ ЯГОНА АСОСГА ЭГА БЎЛГАН (АДЕКВАТ) ТОПИШМОҚЛАР

У.Кенжаева

Урганч давлат университети
стажёр тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола туркий халқлар оғзаки ижодининг маҳсули бўлган, чуқур анализи ва синтези натижасида вужудга келган ва қардош тилли халқларнинг муштараклигини ўзида акс эттирган ягона асосга эга (адекват) топишмоқларнинг қиёсий тақиқи юзасидан чиқарилган хулосаларни ўз ичига олади.

Калит сўзлар: адекват, туркий халқлар, топишмоқлар, метофора, қиёслаш.

АННОТАЦИЯ

В данной статье приведены выводы сделанные на основе сравнительного изучения загадок являющихся творением устного творчества тюркских народов которые отражают общность народов одного языка имеющий единую основу созданы в результате глубокого анализа и синтеза.

Ключевые слова: адекват, тюркские народы, загадки, метафора, сравнение.

ABSTRACT

This article presents the conclusions made on the basis of a comparative study of the riddles which are considered to be the invention of the oral art of the Turkic nations, that reflect the commonality of the peoples of one language having a common basis, created as a result of deep analysis and synthesis.

Keywords: adequate, Turkic nations, riddles, metaphor, comparison.

Туркий халқлар оғзаки ижодининг теран томирлари жуда қадимий асосларга эга. Бу халқлар фольклорини қиёсий-типологик тарзда ўрганиш халқ ижодиётига хос жанрларнинг шаклланиши ва миллий асосларини ўрганишда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Дарвоқе, "... фольклор асарларини илмий тадқиқ этишнинг кенг тарқалган ва самарали методларидан бири "қиёсий-типологик метод" ҳисобланади. "Қиёслаш" деганда муайян фольклор жанри, эпик сюжет ёки образни бошқа халқлар оғзаки бадий ижоди

материаллари билан солиштириб, таққослаб ўрганиш асосида ўзаро ўхшаш ҳамда фарқли хусусиятларни аниқлаш назарда тутилади”¹.

В.М. Жирмунскийнинг қайд қилишича, халқ ижодиётига тегишли ҳар қандай асар уни ижод қилган халқнинг муайян шароитларда вужудга келган сотсиал тузими, тарихи, руҳияти, ижтимоий идеали ва бадий тафаккурининг миллий хусусиятлари ҳамда ўзига хос миллий қиёфасини намоён қилади¹.

Илмий тадқиқотнинг қиёслаш усули бу миллий ўзига хосликни, тарихий жиҳатдан асосланган ҳолда чуқурроқ аниқлаб бериш имкониятини рўёбга чиқаради.

Топишмоқлар халқнинг оммавий, қадимий ва ўлмас жанридир. Ҳаёт давом этар экан, унда юз берган эътиборга лойиқ ҳодисалар мазкур жанрда ўз ифодасини топишда давом этади.

Туркий халқларнинг қадимги умумий тили ва умумий маданиятини бир-биридан ажратиб қараш мумкин эмас. “Чунки XII- XIII асрлардаги қабила ва уруғ тиллари фақат ўзбек тили учун эмас, балки бошқа туркий тиллар (уйғур, туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ в.б.) учун ҳам асос бўлгандир”³. Демак, XIII асргача умумий тил ва умумий маданиятга эга бўлган ўзбек туркман ва қорақалпоқ халқларининг оғзаки бадий ижодида ҳам муштараклик бўлиши табиийдир. Шу билан бирга жамиятнинг кейинги тараққиёти уларнинг оғзаки ижодиётига ўз таъсирини ўтқазмасдан қолмади. Бу ҳолат оғзаки ижодиёт асарлари, хусусан, топишмоқ жанрининг ҳам миллатлараро дифференциаллашиш жараёнини бошдан кечиришга олиб келди.

Бинобарин, умумтуркий тил ва маданият, шунингдек, кейинги тараққиёт халқ ижодиётидаги муштаракликларни батамом ўзгартирмагани ҳолда уларда барибир алоҳидаликларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Буни топишмоқлар мисолида яққол англаб олиш мумкин. Туркий халқлар фолклорида ягона ўхшаш ҳаёт, умумий туркий тил ҳукмрон бўлган пайтларда яратилган топишмоқлар муайян даражада ажралиб туради.

Уларда ягона композитсия, ягона метафора, ягона ғоя ўзини намоён қилиб туради. Шу сабабли биз уларни адекват топишмоқлар деб номладик.

Қардош туркий халқлар фолклорида тарқалган адекват топишмоқларнинг аксарияти мазкур халқларнинг қадимги умумтуркий маданиятига бориб боғланади.

¹ Jo`rayev M. Folklorshunoslik asoslari. –Т.: “Fan”, 2009. – В. 154. (190)

² В.М. Жирмунский Узбекский народный героический эпос. (в соавт. с Х. Т. Зарифовым) М., Гослитиздат. 1947. 520 с.

³ Abdurahmonov F. Shukurov Sh. O`zbek tilining tarixiy grammatikasi. – Т.: “O`qituvchi”, 1973. –В.19.

Топишмоқларнинг бу тоифаси ўзларининг шаклий ва мазмуний кўриниши билан алоҳида ажралиб туради. Уларнинг айримларидагина баъзи сўз ва ифодаларнинг ўрни ёки шакли ўзгарган холос.

Бундай топишмоқлар анча қадимий бўлиб, улар негизида мифик тасаввурлар ҳам ўзини яққол намоён қилади:

Кўлсиз, оёқсиз гул солади. (Топишмоқлар, 20-бет).

Аяксиз, элсиз-сурат чекер. (Едигеним еди йилдиз, I китоб, 110-бет).

Қолсиз, аяқсиз гул салади. (Қарақалпақ фольклори, III том, 157-бет).

Дераза ойнасига совуқ натижасида гулга ўхшаш қировнинг ўтиришини ифодаловчи бу топишмоқда учала халқнинг тасавури ҳам бир хил. Қизиқарли топмони шундаки, бу топишмоқ рус фольклорида ҳам адекват тарзда учрайди: Без рук, без нога, рисоват умеет. (Лазутин С. Г. 97.)

Албатта топишмоқ мазмунига қараганда у ойна кашф этилгандан кейин яратилган. Бироқ, топишмоқда анимистик дунёқарашнинг излари ҳам сақланиб қолган.

Буни қуйидаги намуналарда ҳам кўриш мумкин:

Чопса, чопилмас,

Кесса, кесилмас. (Топишмоқлар, 26-бет).

Гөмсем-гөмулмез,

Чапсам-чапилмаз. (Едигеним еди йилдиз, I китоб, 113-бет.)

Шапса шабилмайди,

Кессе кесилмейди.

(Қарақалпақ фольклори, III том, 42-бет).

Инсоният теварак-атрофига боқиб, кўп нарсаларга ҳайрат билан қараган. Юқоридаги мисолларда инсоннинг сояси жумбоқланган. Ибтидоий даврда кишининг ўзига эргашиб юрган сояси ҳам ажабланарли туюлган. Уни сирли ҳодиса сифатида тасаввур қилиб, топишмоқлар яратган.

Туркий халқларнинг қадимги ҳаёти балиқчилик, чорвачилик, овчилик билан боғланган. Шу сабабдан адекват топишмоқларнинг аксарияти ўша мавзу атрофига жамланади:

Боши бору сочи ё'қ,

Кўзи бору қоши ё'қ. (Топишмоқлар, 63-бет).

Келлеси бар, сачи ёк,

Гөзлери бар, гаши ёк. (Едигеним еди йилдиз, II китоб, 56-бет).

Баси барда шаши жоқ,

Көзи барда қаси жоқ. (Қарақалпақ фольклори, III том, 173-бет).

Топишмоқларда асосий эътибор бош ва соч, кўз ва қошга қаратилган. Балиққа хос бўлган асосий қиёфа учала халқ тафаккурида ҳам бир хил акс этган.

Маълумки, балиқчилик бўлган жойда кўл, унинг ичида эса қамиш ўсиши табиийдир. Бу ўсимлик ҳам инсониятнинг қадимий ёлдошидир. Ундан кишилар уй қуришда, айрим жиҳозлар яшашда, балиқ овлашда кенг фойдаланишган. Бу ҳолат қамиш ҳақида турли топишмоқларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Бу топишмоқларда ҳам шаклий ва мазмуний муштараклик яққол кўзга ташланиб туради:

Узун терак,

Ичи кавак, (Топишмоқлар, 95-бет).

Узин дерек,

Ичи көвек. (Едигеним еди йилдиз, II китоб, 74-бет).

Узин терек, иши геўек. (Қарақалпақ фольклори, III том, 94-бет).

Туркий халқларда ўтроқ ҳаёт бошлангандан кейин уй ҳайвонлари, паррандалар асраш, аста-секин деҳқончилик маданияти ривожлана борган. Бу ижтимоий турмуш тарзи ўз навбатида топишмоқларда ҳам ўз ифодасини топган.

Паррандалардан энг оммавийлик қозониб, топишмоқлар мазмунидан кўп ўрин эгаллагани хўроздир. Маълумки, хўроз товуклар орасида алоҳида ажралиб туради ва виқор билан юради. Шу сабабли дарҳол эътиборни тортади.

Туркий халқлар орасида унинг ташқи кўриниши асос қилиб олинган куйидаги топишмоқ жуда машҳурлик қозонган:

Боши тароқ,

Думи ўроқ. (Топишмоқлар, 67-бет).

Баши дарак,

Гуйруги өрак. (Едигеним еди йилдиз, II китоб, 47-бет).

Баси тарак, куйруги орак. (Қарақалпақ фольклори, III том, 75-бет).

Ушбу тасвирларга айнан мос келадиган топишмоқ Қрим татарлари фольклорида ҳам учрайди:

Баши таракъ,

Қъуйруги ўракъ³.

Хўрозлар ҳақида туркий халқлар фольклорида жуда кўп топишмоқлар мавжуд. Бироқ, биз келтирган намуна том маънода адекватлик касб этади. Бошқалари мазмунидан ўхшаса-да шаклан фарқланади. Биз келтирган намуналар қадимийроқ вужудга келган бўлса керак.

Товук, хўроз, товук тухуми ҳақидаги топишмоқларнинг кўплиги уларнинг инсон ҳаёти билан узвий боғлиқлиги ва ҳамиша ёнма-ён бўлишидир. Айниқса товук тухуми ҳақида яратилган жумбоқлар ягона тасаввурга асосланганлиги билан характерлидир:

⁴ Bekirov Dj. Tatar folklori. – T.: “O`qituvchi”, 1975. –B.94.

Қозикда қор турмас. (Топишмоқлар, 72-бет).

Газик устунде гар дурмаз. (Едигеним еди йилдиз, II китоб, 17-бет).

Қазик басинда қар турмас. (Қарақалпақ фольклори, III том, 75-бет).

Туркий халқларнинг қадимги генетик алоқалари, тил, дин ва маданий соҳадаги умумийлик уларнинг фольклор асарларида, хусусан топишмоқларида ҳам ўзининг яққол ифодасини топган. Туркий халқларнинг ягона тил доирасида ўхшаш ҳаёт жараёнида рўёбга чиқарган бадиий тафаккур дурдоналари умумтуркий меросни юзага келтирган. Бу даврларда яратилган топишмоқларда аксарият ҳолларда ягона мавзу, ягона композитсия, ягона метафора ва ягона ғоя мужассамлашган.

Умумтуркий ҳаёт умумтуркий маданиятни вужудга келтирган. Инсонларнинг идрок қилиши муштараклик касб этганлиги сабабли табиат ҳодисаларига муносабат, улар ҳақида фикрлаш ва хулоса чиқаришда умумийлик ҳукм сурган ва бу ҳодиса оғзаки ижодиётнинг топишмоқ жанрида ҳам ўзининг бадиий ифодасига эга бўлган. Биз таҳлил қилган адекват топишмоқларнинг қадимий илдизлари ана шу ҳаёт тарзининг маҳсуллари дир.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Жўраев М. Фольклоршунослик асослари. –Т.: “Фан”, 2009. – Б. 154. (190)
2. В.М. Жирмунский Узбекский народный героический эпос. (в соавт. с Х. Т. Зарифовым) М., Гослитиздат. 1947. 520 с.
3. Abdurahmonov F. Shukurov Sh. O‘zbek tilining tarixiy grammatikasi. – Т.: “O‘qituvchi”, 1973. –В.19.
4. Топишмоқлар. –Т.»Адабиёт ва санъат», 1981. Б. 187.
5. Қарақалпақ фольклори, ИИИ том-нокис, 1978. Б.141-142.
6. Лазутин С. Г. Поэтика русского фольклора : [Учеб. пособие для вузов по спец. "Рус. яз. и лит."] / С. Г. Лазутин. - 2-е изд., испр. и доп. - Москва : Высш. шк., 1989. - 207,[1] с.; 20 см.; ISBN 5-06-000262-4 : 45 к.
7. Bekirov Dj. Tatar folklori. – Т.: “O‘qituvchi”, 1975. –В.94.